

ТАСДИҚЛАНГАН

*“Ўзтрансгаз” АЖ
2023 йил 21 февралдаги
Акциядорларининг навбатдан ташқари
умумий йиғилиши қарори билан*

*Акциядорларининг
2023 йил 21 февралдаги навбатдан
ташқари умумий йиғилишининг
02-23-сон баённомасига
3-Илова*

**“ЎЗТРАНСГАЗ” АЖ
КУЗАТУВ КЕНГАШИ
ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ
(янги тахрир)**

Тошкент - 2023 йил

МУНДАРИЖА:

1. Умумий қоидалар.
2. Кузатув кенгашининг ваколатлари.
3. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш, тайинлаш ва ваколатларини тугатиш.
4. Кузатув кенгашининг раиси.
5. Кузатув кенгашининг йиғилиши.
6. Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.
7. Кузатув кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби ва миқдори.
8. Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги.
9. Кузатув кенгашининг котиби.

1. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрирда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги “2021–2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори, янги таҳрирдаги “Ўзтрансгаз” АЖ Устави (кейинги ўринларда – Жамият) ва 2015 йил 31 декабрдаги Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссиянинг 9-сонли йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси (2016 йил 11 февралдаги 02-02/1-187 рақам билан рўйхатга олинган), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги “2021 - 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 166-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида”ги ПФ-101-сонли Фармони талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Ушбу Низомда акциядорлик жамиятининг кузатув кенгашини (кейинги ўринларда – кузатув кенгаши) ташкил этиш ва бошқариш, унинг аъзоларини сайлаш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликларини белгилаб берувчи меъёрлар келтирилган.

1.3. Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонун ва устав билан акциядорлар умумий йиғилишининг мутлак ваколатига киритилган масалаларни ҳал қилиш бундан мустасно.

1.4. Кузатув кенгаши ўз фаолиятида Қонун, Корпоратив бошқарув кодексининг тавсиялари, Жамият Устави, ушбу Низом ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига амал қилади.

1.5. Жамият Кузатув кенгашининг асосий вазифалари қуйидагилар саналади:

- Жамиятнинг ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегиясининг амалга оширилишини таъминлаш;
- Жамият Ижроия органи (Бошқаруви) фаолияти ва Жамиятнинг йиллик (қисқа муддатли) бизнес-режаларининг бажарилишини назорат қилиш;
- Жамиятда ахборот шаффофлигини, Жамият тўғрисидаги очик маълумотларнинг тўлиқлигини, ишончлилиги ва холислигини таъминлаш ҳамда Жамиятнинг ахборот сиёсати амалга оширилишини назорат қилиш;
- Жамиятда ички назорат ва рискларни бошқариш тизимини ташкил этиш устидан назорат;
- Жамиятнинг дивиденд сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш;
- Жамият акциядорларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.

1.6. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари Қонун ва Жамият Уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан кумулятив овоз бериш йўли билан 9 (тўққиз) киши миқдорида уч йил муддатга сайланади.

1.7. Кузатув кенгашининг аъзолари ва котибига ўз мажбуриятларини бажариш даврида мукофотлар тўланиши ва/ёки улар томонидан кузатув кенгашининг вазифалари бажарилиши билан боғлиқ харажатлар қоплаб берилиши мумкин.

2. Кузатув кенгашининг ваколатлари

2.1. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатига қуйидагилар киради.

2.1.1. Жамиятнинг ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирлар тўғрисида Жамиятнинг ижроия органи ҳисоботини мунтазам тинглаш билан Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш. Заруратга кўра, Жамиятни ривожлантириш режаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва уларда кўрсатилган мақсадларга эришилишини мониторинг қилиш учун экспертларни жалб қилиш;

2.1.2. Жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

2.1.3. акциядорларнинг умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

2.1.4. акциядорлар умумий йиғилишининг санаси, вақти ва жойини белгилаш;

2.1.5. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабар бериш учун Жамият акциядорлари рўйхатини шакллантириш санасини белгилаш;

2.1.6. Жамият Уставининг 10.7-бандидаги 1) ва 20) кичик бандларда назарда тутилган масалаларни акциядорлар умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

2.1.7. мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

2.1.8. Жамият устав фондини кўпайтириш ва Жамият Уставига, шунингдек унга боғлиқ бўлган тасдиқ ҳужжатларига (акциялар ва проспект чиқарилиши тўғрисида қарор) тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш масалалари;

2.1.9. олдин рўйхатга олинган қимматли қоғозлар чиқарилишига ўзгартишлар киритиш;

2.1.10. аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш. Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ йиллик молиявий ҳисоботларнинг аудити бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

2.1.11. акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;

2.1.12. Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Бунда келгуси йил учун мўлжалланган Жамиятнинг бизнес-режаси жорий йилнинг 1-декабридан кечиктирмаган ҳолда тасдиқланиши лозим;

2.1.13. жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга конвертация қилинадиган облигациялар чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.14. ҳосила қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.15. Жамиятнинг корпоратив облигацияларини сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.16. Жамият бошқаруви аъзоларини (раисдан ташқари) лавозимга тайинлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

2.1.17. Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган мукофотлар ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида” қарори билан белгиланган самарадорликнинг асосий кўрсаткичларини бажарганлик учун кўрсатилган тўловларга боғлаган ҳолда уларнинг энг юқори миқдорини белгилаш;

2.1.18. корпоратив консултант тайинлаш ва унинг фаолиятини тартибга солувчи низомни тасдиқлаш;

2.1.19. Жамиятнинг ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш, ички аудит тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, шунингдек унинг чораклик ҳисоботларини тинглаш;

2.1.20. Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган мукофот ва компенсация миқдори бўйича тавсиялар бериш;

2.1.21. Жамият Ижроия органи фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва уларни Бошқарувдан кузатув кенгашига юклатилган мажбуриятларни бажариш учун олиш. Олинган ҳужжатлар кузатув кенгаши ва унинг аъзолари томонидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланилиши мумкин;

2.1.22. акциялар бўйича дивиденд ҳажми ва уни тўлаш тартиби бўйича тавсиялар бериш;

2.1.23. қонунда назарда тутилган ҳолларда йирик битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш (Жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда, йирик битим тузиш масаласи кузатув кенгашининг қарори билан акциядорларнинг умумий йиғилишига ўтказилиши мумкин);

2.1.24. Жамиятнинг захира ва бошқа маблағларидан фойдаланиш;

2.1.25. қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, Жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.26. Жамиятнинг филиалларини ташкил қилиш ва ваколатхоналарини очиш, уларни тугатиш;

2.1.27. Жамиятнинг шўъба ва мустақил корхоналарини ташкил қилиш;

2.1.28. тижорат ва нотижорат ташкилотларида Жамиятнинг иштироки билан боғлиқ битимлар тузиш;

2.1.29. Жамият ташкилий тузилмасининг қонунчилик талабларига мувофиқлигини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва доимий равишда баҳолаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

2.1.30. ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш ҳуқуқини фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши, мазкур уставда ва қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда бериш;

2.1.31. жамиятдаги корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш, уни амалга ошириш учун танлов асосида мустақил ташкилотни аниқлаш ва унинг хизматлари учун чегаравий тўлов миқдорини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш.

2.1.32. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини)

кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш;

2.1.33. Жамият томонидан асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки куриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятдан ташқари кўшимча фаолият билан шуғулланиш бўйича қарорлар қабул қилиш;

2.1.34. Жамият томонидан мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизми, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларни (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) амалга ошириш бўйича қарорлар қабул қилиш.

2.1.35. Жамият ижро органи Бошқарув раисининг трансформация масалалари бўйича биринчи ўринбосари ва лойиҳа офисининг харажатлар сметасини тасдиқлаш;

2.1.36. Жамият ижро органига тўланадиган ҳақ ва мукофот миқдорини белгилаш, бунда бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилмаган ёки самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари “паст” ёки “қониқарсиз” деб баҳоланган тақдирда ижро органи томонидан ўтган ҳисобот йилида тўланган мукофотни тўлиқ Жамиятга қайтариш масаласини кўриб чиқиш;

2.1.37. Жамият кузатув кенгаши томонидан ижроия органи раҳбарига хусусийлаштириш жараёнларини, шу жумладан акцияларни оммавий жойлаштиришни (IPO) сифатли ва белгиланган муддатларда амалга оширганлиги учун алоҳида мукофот ёки амалга оширмаганлик учун жавобгарлик чораларни белгилаш;

2.2. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатига қонунчиликка, Жамият Уставига ва Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ бошқа масалалар бўйича қарорлар ҳам киритилиши мумкин.

Жамият Кузатув кенгашининг ваколатига киритилган масалалар кўриб чиқиш учун Жамиятнинг ижроия органига берилиши мумкин эмас.

3. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш, тайинлаш ва ваколатларини тугатиш

3.1. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қонун ва Жамият уставига белгиланган тартибда уч йил муддатга сайланади.

3.2. Жамият Кузатув кенгашига сайланган шахслар чекланмаган равишда қайта сайланиши мумкин.

3.3. Жамиятнинг ижроия органи раҳбари ва аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

3.4. Худди шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлайдиган шахслар Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

3.5. Кузатув кенгаши аъзолари сонига ва жамиятнинг кузатув кенгашига сайланган шахсларга қўйиладиган талаблар жамият уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган қарорда белгиланиши мумкин.

Акциядорлар Кузатув кенгаши аъзоларини сайлашда Жамият устави ва кенгаш таркибига учдан икки қисмдан иборат мустақил аъзоларни киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.03.2021 йилдаги “2021 — 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 166-сонли Қарори талабларидан келиб чиқади.

3.6. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Жамият Устави билан белгиланади ва 9 (тўққиз) кишидан иборат.

3.7. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

3.8. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли бўлган овозлар сони Жамият Кузатув кенгашига сайланадиган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарзда олинган овозларни битта номзодга тўлиқ бериш ҳуқуқига эга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлаши мумкин. Кузатув кенгаши аъзоларини танлаш бўйича овоз бериш жараёнида позицияни белгилашда акциядорлар номзодларнинг малакаси, бошқарув органларидаги тажрибаси, корпоратив бошқарув соҳасидаги билимлари, шу жумладан, қонунчиликда белгиланган ҳолларда Корпоратив бошқарув илмий-ўқув маркази томонидан берилган корпоратив менежернинг малака аттестати мавжудлигидан келиб чиқади.

3.9. Энг кўп овоз олган номзодлар Жамият Кузатув кенгашига сайланган ҳисобланади.

3.10. Кузатув кенгашининг аъзолари Жамият Тафтиш комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

3.11. Кузатув кенгаши аъзоси унинг таркибидан чиқиб кетган тақдирда, кузатув кенгашининг қолган аъзоларининг ваколатлари бекор қилинмайди, Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Уставда назарда тутилган етмиш беш фоиздан кам бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

3.12. Вафот этган, ихтиёрий равишда ўз ваколатларини топширган, шунингдек бошқа сабабларга кўра ўз мажбуриятларини бажариш имкониятига эга бўлмаган Кузатув кенгаши аъзолари таркибдан чиққан ҳисобланади.

3.13. Кузатув кенгаши аъзолари ёки тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган кузатув кенгаши аъзоси вафот этган кундан бошлаб, ёки кузатув кенгаши раиси ихтиёрий равишда ўз ваколатларини топширганлиги тўғрисида кузатув кенгаши аъзосидан ариза олгандан кейинги кундан бошлаб, ёхуд Жамият томонидан Кузатув кенгаши аъзоси ўз ваколатларини бажара олмаслигини тасдиқловчи ҳужжатлар олинган кундан бошлаб таркибдан чиққан деб тан олинади.

3.14. Кузатув кенгаши аъзоларидан иборат Стратегия ва инвестициялар кўмитаси, Аудит кўмитаси, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш кўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва этика кўмитаси ташкил этилади.

4. Кузатув кенгашининг раиси

4.1. Жамият Кузатув кенгашининг раиси, агар Жамият Уставида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, Кузатув кенгаши аъзолари томонидан унинг аъзолари орасидан Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан сайланади.

4.2. Жамият Кузатув кенгаши, агар Жамият Уставида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ўз раисини Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қайта сайлаш ҳуқуқига эга.

4.3. Жамият Кузатув кенгаши раиси унинг ишини ташкил қилади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларга раислик қилади, йиғилишларда баённомалар юритилишини ташкил этади, агар Жамият Уставида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

4.4. Жамият Кузатув кенгашининг раиси йўқлигида унинг вазифаларини Кузатув кенгаши аъзоларидан бири бажаради.

4.5. Кузатув кенгаши раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс Жамият номидан Жамиятнинг Бошқарув кенгаши аъзолари билан шартномаларни имзолайди.

5. Кузатув кенгашининг йиғилиши

5.1. Жамият Кузатув кенгашининг йиғилиши Кузатув кенгаши раиси томонидан ўз ташаббуси билан, кузатув кенгаши аъзосининг, тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг), Жамият ижроия органининг, жамиятнинг овозга эга акцияларининг камида бир фоизига эгалик қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг), шунингдек, Жамият Уставида белгиланган бошқа шахсларнинг талабига биноан чақирилади.

5.2. Жамият Кузатув кенгашининг йиғилиши кузатув кенгаши аъзоси, тафтиш комиссияси, бошқарув, Жамиятнинг овозга эга акцияларининг камида бир фоизига эгалик қилаётган акциядор (акциядорлар) томонидан ёзма талабнома юборилган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай, шунингдек, Жамият Устави томонидан белгилаб берилган бошқа шахсларнинг Жамият Кузатув кенгаши йиғилишини ўтказиш тўғрисида ёзма сўров юборган санада ўтказилади, аксинча ҳолатда юқоридаги талабномани тақдим этган шахсга белгиланган муддатда Кузатув кенгаши ўтказишни рад этиш асослаб берилган хат юборилади.

Кузатув кенгаши йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабномада мажлис кун тартибига киритиладиган масалалар, уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ифодаланиши керак.

Агар Кузатув кенгаши йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабнома акциядордан (акциядорлардан) келиб тушган бўлса, унда уларга тегишли акцияларнинг сони ва турини кўрсатган ҳолда йиғилишни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми (номи) келтирилиши керак, бунда акциядорнинг (акциядорларнинг) Депо ҳисобварағидан талабнома тақдим этилган сана учун Жамият акцияларининг белгиланган фоизига эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи кўчирма, шунингдек тақдим этилган талабномага жавоб юборилиши керак бўлган манзил илова қилинади.

Кузатув кенгаши йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабнома кузатув кенгаши йиғилиши ўтказилишини талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

Юқорида санаб ўтилган шахсларнинг талабномасига биноан Кузатув кенгаши йиғилишини ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин:

– Кузатув кенгаши йиғилишини талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) талабнома юборилган сана учун Жамиятнинг овозга эга акцияларининг 1 фоизига эгалик қилмаса;

– кун тартибига киритиш учун таклиф қилинган масалаларнинг бирортаси Жамият кузатув кенгашининг ваколатига кирмаса;

– кун тартибига киритиш учун таклиф қилинган масала “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун талабларига мувофиқ бўлмаса.

Жамият Кузатув кенгашининг йиғилиш ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

5.3. Жамият кузатув кенгаши йиғилишини ўтказиш учун кворум Жамият Устави билан белгиланади, аммо Жамият кузатув кенгашининг сайланган аъзолари сонининг камида етмиш беш фоизини ташкил қилиши керак.

Кузатув кенгаши йиғилишлари видеоконференцалоқа тизими орқали ва электрон овоз (e-VOTE) бериш йўли билан ўтказилиши мумкин. Йиғилиш куни Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси мамлакатда бўлмаган ҳолларда Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг видеоконференцалоқа режимида йиғилишда иштирок этиши борасида ташаббус билан чиқиш ҳуқуқига эга. Бунда кворумни белгилашда кузатув кенгашининг видеоконференцалоқа воситасида йиғилишда иштирок этувчи аъзолари ҳисобга олинади.

5.4. Кузатув кенгаши аъзолари сони Уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган ҳолатда Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиритиш шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиритиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга, шунингдек Ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан олдин бекор қилинганда, вақтинча унинг вазифасини бажарувчисини тайинлайди.

5.5. Агар “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва Уставда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Жамият Кузатув кенгашининг йиғилишида қарорлар йиғилганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши йиғилишида масалаларни ҳал қилишда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга.

Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилиш жараёнида кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолларда, жамият кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи саналади.

Асосланган ва самарали қарорлар қабул қилинишини таъминлаш учун Кузатув кенгаши таркибида унинг аъзоларидан иборат Стратегия ва инвестициялар қўмитаси, Аудит қўмитаси, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмиталари ташкил этилади. Қўмиталар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, Жамиятнинг устави ва ушбу қўмиталар тўғрисидаги ички низомлари, шунингдек акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши қарорлари асосида амалга оширадilar.

5.6. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси томонидан Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига овоз ўтказилишига йўл қўйилмайди.

5.7. Жамият Кузатув кенгашининг йиғилишида баённома кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланган котиб томонидан юритилади. Кузатув кенгаши йиғилишининг баённомаси у ўтказилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай тузилади. Йиғилиш баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- у ўтказилган сана, вақт ва жой;
- йиғилишда қатнашган шахслар;
- йиғилиш кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар бўйича овоз бериш натижалари;
- қабул қилинган қарорлар.

Кузатув кенгаши видеоконференцалоқа воситасида иштирок ташаббуси билан чиққанда, ушбу конференциянинг электрон ташувчида видеоёзуви йиғилиш баённомасига мажбурий тартибда илова қилинади.

5.8. Жамият Кузатув кенгаши йиғилишининг баённомаси унинг расмийлаштирилиши тўғрисидаги учун жавобгар бўлган Жамият Кузатув кенгашининг йиғилишда қатнашган аъзолари томонидан имзоланади.

Видеоконференцалоқа воситасида йиғилишда қатнашган Кузатув кенгашининг аъзоси ушбу йиғилиш баённомасини мамлакатга етиб бориши билан имзолаши шарт.

5.9. Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан сиртдан овоз бериш йўли билан (сўровнома йўли билан) қабул қилиниши мумкин, ҳар чоракда ижро органининг ҳисоботини эшитиш бўйича кузатув кенгашининг мажлислари бундан мустасно.

Сиртдан овоз бериш тўғрисида қарор Жамият Кузатув кенгашининг раиси томонидан қабул қилинади.

5.10. Сиртдан овоз бериш учун кузатув кенгашининг барча аъзоларига сиртдан овоз бериш тўғрисида хабарномалар йиғилиш кун тартибидаги масалалар кўрсатилган ҳолда юборилади. Хабарномага кун тартибидаги масалалар бўйича материаллар ва овоз бериш бюллетени илова қилинади. Ёзма хабарномалар Кузатув кенгаши аъзоларига почта, факс, электрон ёки бошқа алоқа воситалари орқали юборилади.

5.11. Овоз бериш бюллетенларида Жамиятнинг тўлиқ номи, овозга қўйилган ҳар бир масала ва уни кўриб чиқиш кетма-кетлиги, овоз беришга қўйилган ҳар бир масала бўйича “рози”, “қарши” ёки “бетараф” сўзлари билан ифодаланган овоз бериш вариантлари, тўлдирилган бюллетенни тақдим этиш санаси бўлиши лозим. Бюллетенлар йиғилиш баённомасининг ажралмас қисми саналади.

5.12. Сиртдан овоз бериш тўғрисида хабарномалар Кузатув кенгаши аъзоларига тўлдирилган бюллетенни топшириш учун белгиланган санадан камида 5 календар кун аввал юборилади. Жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан тўлдирилган ва имзоланган овоз бериш бюллетенлари кузатув кенгаши котибига тақдим этилади. Бюллетенлари бюллетенда кўрсатилган тўлдирилган бюллетенни тақдим этиш санасидан олдин олинган Кузатув кенгашининг аъзолари сиртдан овоз беришда иштирок этган деб ҳисобланади. Агар муайян масала бўйича овоз беришнинг мумкин бўлган вариантлари устунларининг биттадан ортиғида қандайдир белги бўлса ёки бюллетенда овоз берувчи кузатув кенгаши аъзосининг имзоси бўлмаса, ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетени тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

5.13. Сиртдан овоз бериш натижаларига кўра Жамият Кузатув кенгашининг баённомаси тузилади. Йиғилиш (сиртдан овоз бериш) баённомаси котиб ва кузатув кенгашининг раиси томонидан имзоланади. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланган овоз бериш бюллетенлари ушбу баённоманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5.14. Жамият Кузатув кенгаши йиғилишининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг ижроия органига ижро учун тақдим этилади. Агар кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилса, ушбу қарор тўғрисидаги маълумотлар кузатув кенгаши йиғилиши ўтказиладиган куни Жамиятнинг ижроия органига берилади.

6. Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

6.1. Кузатув кенгаши аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатлари йўлида ҳаракат қилиши, Жамиятга нисбатан виждонан ва оқилона ўз ҳуқуқларидан фойдаланиши ҳамда ўз мажбуриятларини бажариши, уларга маълум бўлган ва тижорат сирини ташкил этувчи Жамиятнинг махфий маълумотлари ва ҳужжатларини ошкор қилмасликлари шарт.

6.2. Кузатув кенгашининг аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– кузатув кенгаши йиғилишида шахсан иштирок этиш, кун тартибида ажратилган вақт доирасида йиғилишда муҳокама қилинаётган масала бўйича сўзга чиқиш;

– кузатув кенгашининг қарори билан акциядорлик жамиятининг муайян вақт давридаги фаолияти, уни ривожлантириш режалари тўғрисида маълумот олиш;

– кузатув кенгаши аъзоларининг функцияларини бажариш билан боғлиқ харажатлар учун мукофот ва (ёки) компенсациялар олиш.

6.3. Жамият томонидан битим тузилишидан манфаатдор бўлган Кузатув кенгашининг аъзоси битим тузилишидан олдин Кузатув кенгашига ўз манфаатдорлиги тўғрисида хабар бериши шарт, шунингдек муҳокамада қатнашиш ва тегишли қарор қабул қилишда овоз бериш ҳуқуқига эга эмас. Аффилланган шахс билан битим тузиш тўғрисидаги қарор йиғилишда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан ёки қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорларнинг яққол кўпчилик овози билан қабул қилинади.

6.4. Агар кузатув кенгаши аъзолари, уларнинг турмуш ўртоқлари, ота-оналари, фарзандлари, ака-укалари, опа-сингиллари, шунингдек уларнинг барча аффилланган шахсларининг қуйидаги ҳоллари бўйича кузатув кенгаши аъзолари Жамият томонидан битимлар тузилишида манфаатдор саналади:

– шундай битимнинг тарафи бўлса ёки унда вакил ёки воситачи сифатида қатнашса;

– битим иштирокчиси бўлган ёки унда вакил ёхуд воситачи сифатида қатнашаётган юридик шахс акцияларининг (улушларининг, пайларининг) йигирма ва ундан ортиқ фоизига эгаллик қилса;

– битим иштирокчиси бўлган ёки унда вакил ёхуд воситачи сифатида қатнашаётган юридик шахснинг бошқарув органларида лавозимларни эгаллаб турган бўлса.

6.5. Кузатув кенгаши аъзолари кузатув кенгаши томонидан айрим қарорларнинг қабул қилинишига таъсир кўрсатгани учун тўғридан-тўғри ёки билвосита мукофот олиш ҳуқуқига эга эмас.

6.6. Кузатув кенгаши аъзолари шахсий бойиш мақсадида акциядорлик жамиятининг имкониятларидан (мулкӣ ёки номулкӣ ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, акциядорлик жамиятининг фаолияти ва режалари тўғрисидаги маълумотлардан) фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

6.7. Кузатув кенгаши аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини виждонан, шунингдек акциядорлик жамиятининг манфаатлари учун энг яхши деб ҳисоблаган усулда бажаришлари шарт.

7. Кузатув кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби ва миқдори

7.1. Жамият кузатув кенгаши аъзоларига улар томонидан ўзининг мажбуриятларини бажариш даврида мукофотлар тўланади ва (ёки) кузатув

кенгаши аъзолари вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлар қоплаб берилади. Бундай мукофот ва компенсациялар миқдори ушбу Низом билан белгиланади.

7.2. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига қуйидаги мукофот турлари тўланади:

- асосий (фиксирланган) мукофот;
- кўшимча (тақдирлаш) мукофот.

7.3. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот тўлаш манбаи Жамиятнинг айланма (пул) маблағлари ҳисобланади.

7.4. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари фаолияти самарадорлиги:

улар томонидан зиммасига юкланган мажбуриятларни лозим даражада бажариши даражаси;

Жамият фаолиятининг молиявий натижалари (жамиятнинг йиллик бизнес-режаси параметрларининг бажарилиши ҳисобланади);

молиявий йил охирида Корпоратив бошқарувга ихтисослашган мустақил ташкилот томонидан молиявий натижаларни ва Корпоратив бошқарув тизимининг сифатини баҳолаш натижалари;

Жамиятда трансформация жараёнларини самарали ташкил этиш, корхонанинг ташқи қарзларини оптималлаштириш, замонавий харид тизимини жорий этиш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга муқобил маблағлар жалб этиш каби баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

7.5. Кузатув кенгаши аъзоларига асосий (фиксирланган) мукофот улар томонидан Жамиятни бошқариш ва йиллик бизнес-режада белгиланган молиявий натижаларга эришиш бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарилганлиги учун тўланади.

7.6. Кузатув кенгаши аъзолари фаолияти учун мукофот маблағи Жамият харажатлари сирасига киритилади.

7.7. Кузатув кенгаши аъзоларига ўз функцияларини бажарганлиги учун ойлик асосий (фиксирланган) мукофот миқдори: Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган Жамиятнинг бизнес-режаси доирасида белгиланади:

– меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг (МХЭКМ) 5,5 (беш ярим) баравари миқдорида – кузатув кенгаши раисига, тўлов санасида Ўзбекистон Республикасида белгиланган миқдор бўйича;

– меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг (МХЭКМ) 5 (беш) баравари миқдорида – кузатув кенгаши аъзоларига, тўлов санасида Ўзбекистон Республикасида белгиланган миқдор бўйича.

7.8. Ойлик асосий (фиксирланган) мукофотни тўлашда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзосининг тегишли ойда ўтказилган кузатув кенгашлари йиғилишидаги шахсий иштироки (баённомада имзо мавжудлиги) ҳам ҳисобга олинади. Бунда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзосининг кузатув кенгашлари

йиғилишларидаги шахсий иштироки натижалари ҳар чоракда тўпланиб, кейинги тўловларда ҳисобга олинади.

7.9. Кузатув кенгаши аъзоларига кўшимча (тақдирлаш) мукофот Жамиятни ҳисобот йилида самарали бошқарув учун, корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари ва Жамиятнинг молиявий натижалари асосида тўланади.

7.10. Йил якунлари бўйича Жамият корпоратив бошқарув тизимини ва Жамият фаолиятининг молиявий натижаларини мустақил баҳолайди.

7.11. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун мустақил ташкилотни танлаш Жамият Кузатув кенгашининг қарори билан танлов асосида амалга оширилади.

7.12. Мустақил баҳолаш натижалари кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган кўшимча (тақдирлаш) мукофот миқдорини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

7.13. Мустақил ташкилот билан тузилган шартномага мувофиқ, Кузатув кенгаши фаолияти натижалари қониқарсиз, паст, қониқарли ва юқори деб топилиши мумкин.

Кўшимча (тақдирлаш) мукофот миқдори (йил давомида кузатув кенгашининг 1 аъзоси ҳисобида) куйидаги тартибда белгиланади:

– агар у қониқарсиз ёки паст деб топилган бўлса – кўшимча (тақдирлаш) мукофот тўланмайди;

7.14. Йил давомида Кузатув кенгаши аъзосининг ваколатлари муддатидан олдин бекор қилинган ҳолатда, Жамият Кузатув кенгаши аъзоси мажбуриятларини бажарганлиги учун кўшимча (тақдирлаш) мукофот ҳақиқатдаги давр бўйича тўланади.

7.15. Жамият кузатув кенгаши ва ижроия органига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тегишинча акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши қарорлари асосида амалга оширилади.

8. Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги

8.1. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари қонунчиликка ва Жамият Уставига мувофиқ Акциядорлик жамияти олдида жавобгар саналади. Бунда овоз беришда қатнашмаган ёки Жамиятга зарар етказган қарорга қарши овоз берган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари жавобгарликдан озод қилинади, қонунчиликда бошқача тартиб назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

8.2. Агар Кузатув кенгашининг аъзоси Жамият Уставини кўпол равишда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан Жамиятга зарар етказса, Акциядорларнинг умумий йиғилиши унинг ваколатларини муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

8.3. Жамият ёки Жамиятнинг муомалада бўлган оддий акцияларининг камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Кузатув кенгаши

аъзосидан Жамиятга етказилган зарарни қоплаш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилиши мумкин.

9. Кузатув кенгашининг котиби

9.1. Кузатув кенгашининг котиби – Жамиятнинг Кузатув кенгаши ёки Бошқаруви таркибига кирмайдиган ходими, Жамият Кузатув кенгашининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинган қарор асосида тайинланади.

9.2. Жамият Кузатув кенгашининг котиби Жамият Кузатув кенгашининг йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш, Жамият Кузатув кенгаши йиғилиши учун материаллар шаклланишини таъминлаш, йиғилиш баённомаларини юритиш бўйича ишларни амалга оширади.

9.3. Кузатув кенгаши котиби вазифасини бажарувчи Жамият ходими ҳар ой иш интенсивлиги учун тўлов санасида Ўзбекистон Республикасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг (МҲЭКМ) 4 (тўрт) баравари миқдорида кўшимча ҳақ олади.